

# **“Автомобиль йўллари транспорт, механизация ва техник таъминлаш бошқармаси”нинг НИЗОМИ**

## **I. Умумий қоидалар.**

1.1. “Автомобиль йўллари транспорт, механизация ва техник таъминлаш бошқармаси” (матнда кейинги ўринларда “Бошқарма” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибида ташкил этилган.

1.2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси (матнда кейинги ўринларда “Қўмита” деб юритилади) Низоми, қарор ва буйруқларига, ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Бошқарма Қўмита ташкилий тузилмасининг таркибий бошқармаси бўлиб юридик шахс ҳисобланмайди.

## **II. Бошқарманинг асосий вазифалари:**

2.1. Автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва қайта қуришда тизим корхона ва ташкилотларини техник таъминлаш бўйича йиллик ва узоқ муддатли давлат дастурларини тузишда ва амалга оширишда қатнашиш;

2.2. Автомобиль йўллари техник таъминлаш бўйича узоқ муддатли концепцияларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

2.3. Йўл хўжалиги корхоналарини белгиланган меъёрлар асосида техника таъминотини ташкил этиш, соҳада транспорт хизмати самарадорлигини ошириш, замонавий техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, йўл қурилиш техникаси, машина-механизмлари ва асбоб ускуналарини таъмирлаш ҳамда захира қисмларини ишлаб чиқаришнинг ягона сиёсатини ва назоратини олиб боришга жавобгардир;

2.4. Қўмита раиси ва унинг ўринбосарларининг Қўмита сиёсий, иқтисодий, техник ва асосий фаолиятига доир топшириқларини белгиланган муддатларда бажаради.

## **III. Бошқарманинг ҳуқуқий базаси:**

3.1. Автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва қайта қуришда тизим корхона ва ташкилотларини техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни режалаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таклифларни Қўмита раҳбариятига киритади.

3.2. Бошқармага юклатилган вазифаларни бажарилиши юзасидан Қўмита тизимидаги ҳар қандай бўғиндаги ташкилот ва корхоналарга кўрсатмалар беради, керакли маълумотларни талаб қилиб олади.

3.3. Бошқармага юклатилган вазифаларни амалга оширишда республика йўл хўжалиги тасарруфида бўлган барча мутахассисларни жалб этади.

3.4. Бошқарманинг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар бўйича йўл хўжалиги ва техник кенгашларига ҳамда Қўмита раҳбарларига таклифлар киритади.

3.5. Барча давлат муассасаларида ва жамоатчилик ташкилотларида Бошқарманинг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар бўйича Қўмита номидан иш кўради.

3.6. Бошқарма Қўмита раисининг буйруқлари асосида бериладиган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **IV. Бошқарма ишини ташкил қилиш:**

4.1. Бошқармага Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси” билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинадиган йўл соҳасида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган Қўмита раиси томонидан тайинладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

4.2. Бошқармада, юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун бошлиқ раҳбарлигида бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бош мутахассис фаолият кўрсатадилар. Бошқарманинг ҳар бир ходими Қўмита Низоми, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, Қўмита раисининг буйруқлари ва ушбу Низомга амал қиладилар.

4.3. Ходимлар иш давомида хоналар, мебеллар, асбоб-ускуналар, бириктирилган компьютерлар ва жиҳозлардан тўғри фойдаланишлари ва бекаму-кўст сақланишини таъминлашлари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал этишлари лозим.

#### **V. Бошқарма бошлиғининг вазифалари:**

5.1. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳамда автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни режалаштириш бўйича меъёрий қоидаларни ва бошқа соҳага оид ҳужжатларни, ишлаб чиқариш ҳисоботларини юритишни билиши, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида техник таъминлаш

масалаларини мукамал таҳлил қилиши, илмий асослашни муҳандислик нуқтаи-назаридан тўғри ҳал қила олиши, раҳбарлик лаёқати бўлиши лозим.

5.2. Бошқарманинг барча ходимларига уларнинг вазифалари бўйича оғзаки ва ёзма тарзда тўғри кўрсатмалар беради.

5.3. Бошқарманинг фаолияти ва ходимлар томонидан ижро ва меҳнат интизомининг риоя қилиниши бўйича назорат ўрнатади.

5.4. Бошқарма ишларини бажариш ва яхшилаш учун зарур чоралар кўради.

5.5. Автомобиль йўлларини техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг йиллик ва узоқ муддатли давлат дастурларини тузишда ва амалга оширишда қатнашади.

5.6. Автомобиль йўлларини техник таъминлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг узоқ муддатли концепцияларини ишлаб чиқишда қатнашади.

5.7. Мунтазам равишда республиканинг вилоятларидаги автомобиль йўлларини техник таъминлаш ишларини сифати ва муддатларда бажарилишини назорат мониторингини олиб боради.

5.8 Қўмита тизимидаги корхоналар ва ҳудудий бош бошқармалар билан биргаликда автомобиль йўлларини техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича фаолият олиб боради;

5.8 Тизимдаги йўл хўжаликларига йўл қурилиш техникаси, машина-механизмлар, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳамда уларни ҳисобдан чиқариш бўйича ўз ваколати доирасида, ташкилий ва назорат ишларини олиб боради.

5.9. Бошқарма ходимларини лавозимларга тайинлаш, лавозимини ёки иш разрядини ўзгартириш, уларни рағбатлантириш ёки жазолашга оид таклифлар киритади.

5.10. Ходимлар бўлими билан келишган ҳолда Бошқарма ходимларининг навбатдаги меҳнат таътилига чиқиш жадвалини тузади.

5.11. Бошқарма фаолиятига дахлдор масалалар бўйича ёзишмалар, ҳужжатларни тайёрлайди ва имзолайди.

5.12. Бошқармага юклатилган вазифаларни белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини таъминлайди.

## **VI. Бошқарма бошлиғининг ҳуқуқлари:**

6.1. Бошқарма фаолиятига боғлиқ бўлган барча масалаларда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилиш;

6.2. Қўмита раҳбариятига йўл ташкилотлари ва корхоналарини, алоҳида ходимларни рағбатлантириш ҳамда баъзи ходимларнинг қониқарсиз фаолияти бўйича чоралар кўриш таклифларини киритиш;

6.3. Қўмита таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлардан статистик ва ишлаб чиқаришга оид бошқа ҳисоботларни олиш ва кўриб чиқиш.

## **VII. Бошқарма бошлиғининг жавобгарлиги:**

7.1. Бошқарма бошлиғи ушбу йўриқномада кўрсатилган вазифаларини бажарилишига, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни талаб қилган жойларга ўз муддатида топширилишига;

7.2. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ бўлган Хукумат қарорлари ва фармойишларининг, Қўмита таркибидаги кенгаш қарорларини, Қўмита раиси ҳамда унинг ўринбосарлари буйруқ ва фармойишларини, Қўмита бўйича чиқарилган директив кўрсатмаларнинг бажарилишига;

7.3. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалаларда Қўмита раҳбариятига берилган маълумотларни тўғрилиги ва тезкорлигига;

7.4. Бошқармага юборилаётган ҳужжатлар бўйича тезкор ва аниқ қарорлар қабул қилинишига;

7.5. Бошқарма ходимлари томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя қилинишига;

7.6. Бошқарма бошлиғи ўринбосари ва мутахассисларни ишини ташкил қилиш бўйича ўзларига бириктирилган ишларни бажарилишини ташкил қилишга.

## **VIII. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг вазифалари:**

8.1. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳамда автомобиль йўлларини техник таъминлаш бўйича меъёрий қоидаларни ва бошқа соҳага оид ҳужжатларни, ишлаб чиқариш ҳисоботларини юритишни билиши, Ўзбекистон Республикаси умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари техник таъминотини мукамал таҳлил қилиши, илмий асослашни муҳандислик нуқтаи-назаридан тўғри ҳал қила олиши лозим.

8.2. Бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига олий маълумотга ва камида 5 йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассис бошқарма бошлиғининг тавсиясига кўра Қўмита раиси томонидан тайинланади ва бевосита бошқарма бошлиғига бўйсунди.

8.3. Автомобиль йўлларини техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ягона техник сиёсатини амалга ошириш;

8.4. Автомобиль йўлларини техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича рўйхатларини тузиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;

8.5. Автомобиль йўлларида техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

8.6. Қўмита тизимидаги корхоналар ва ҳудудий бош бошқармалар билан биргаликда автомобиль йўлларини техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича фаолият олиб бориш;

8.7. Тизимдаги корхона ва ташкилотларни техник таъминлаш, моддий техника базасини янгилаш ишлари учун олинадиган технологик асбоб-ускуна, йўл қурилиш техникалари рўйхатини тайёрлаш ва тегишли вазирлик ва идоралар билан мувофиқлаштириш ҳамда Қўмита тамонидан тасдиқланишини таъминлаш;

8.8. Бошқарманинг барча ходимларига уларнинг вазифалари бўйича оғзаки ва ёзма тарзда кўрсатмалар беради.

8.9. Бошқарманинг фаолияти ва ходимлар томонидан ижро ва меҳнат интизомининг риоя қилиниши бўйича назорат ўрнатади.

8.10. Бошқарма ишларини бажариш ва яхшилаш учун зарур чоралар кўради.

8.11. Ички меҳнат тартиби ва ишлаб чиқаришдаги ижро қоидаларига тўлиқ амал қилади.

8.12. Бошқарма фаолиятига дахлдор масалалар бўйича ёзишмалар, ҳужжатларни тайёрлайди ва имзолашга тақдим қилади.

8.13. Бошқарма бошлиғи ишда бўлмаган вақтда бошқарма бошлиғи вазифасини бажаради.

## **IX. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг жавобгарлиги:**

9.1. Ушбу йўриқномада кўрсатилган вазифаларини бажарилишига, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни Қўмита Молия-иқтисодиёт бошқармаси билан биргаликда ўз муддатида топширилишига;

9.2. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ бўлган Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари буйруқ ва фармойишларини, Қўмита бўйича чиқарилган директив кўрсатмаларнинг бажарилишига;

9.3. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалаларда Қўмита раҳбариятига берилган маълумотларни тўғрилиги ва тезкорлигига;

9.4. Бошқармага юборилаётган ҳужжатлар бўйича тезкор ва аниқ қарорлар қабул қилинишига;

9.5. Бошқарма ходимлари томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя қилинишига;

9.6. Бошқарма мутахассисларини ўзларига бириктирилган ишларни бажарилишини ташкил қилишга.

## **X. Бошқарманинг бош мутахассисининг вазифалари:**

10.1. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳамда автомобиль йўллари техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича меъёрий қоидаларни ва бошқа соҳага оид ҳужжатларни, ишлаб чиқариш ҳисоботларини юритишни билиши, ҳисоботлар

тайёрлаш, ахборотлар банкидан фойдаланишни, қўшимча киритишни, сақлашни билиши лозим.

10.2. Бошқарма бош мутахассиси лавозимига тегишли олий маълумотга ва камида 3 йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассис бошқарма бошлиғининг тавсиясига кўра Қўмита раиси томонидан тайинланади.

10.3. Автомобиль йўллари техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича узоқ муддатли концепцияларини ишлаб чиқишда қатнашади.

10.4. Автомобиль йўллари техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ягона йўл техник сиёсатини амалга оширишда қатнашади.

10.5. Тизимдаги корхона ва ташкилотларни техник таъминлаш, моддий техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш мониторингини олиб боради, умумлаштирилган ҳисоботлар тайёрлайди.

10.7. Тизимдаги корхона ва ташкилотларида қора ва рангли металл чиқиндилари Истеъмолчига топшириш режаларини бажарилиши назоратини олиб боради ва ушбу масала бўйича қўмита раҳбариятига таклифлар киритади.

10.8. Қўмита буйруқларини, йўриқномалари ва кўрсатмаларини, амалдаги меъёрий ҳужжатларини, бошқарма бошлиғининг ва ўринбосарларининг оғзаки ва ёзма кўрсатма, топшириқ ва буйруқларини ўз вақтида амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида бажаради.

10.9. Бошқарма фаолиятига дахлдор масалалар бўйича ёзишмалар, ҳужжатларни тайёрлайди ва имзолашга тақдим қилади.

10.10. Ички меҳнат тартиби ва ишлаб чиқаришдаги ижро қоидаларига тўлиқ амал қилади.

10.11. Ўзининг иқтисодий ва техник савиясини мунтазам равишда ошириб боради ва уларни иш фаолиятида қўллайди.

10.12. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ишда бўлмаган вақтда бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифасини бажаради.

## **XI. Бошқарма бош мутахассисининг жавобгарлиги:**

11.1. Ушбу йўриқномада кўрсатилган вазифаларини бажарилишига, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни Бошқарма бошлиғи ўринбосари билан биргаликда ўз муддатида топширилишига;

11.2. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ бўлган Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, Қўмита қарорларини, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари буйруқ ва фармойишларини, Қўмита бўйича чиқарилган директив кўрсатмаларнинг бажарилишига;

11.3. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалаларда Қўмита раҳбариятига берилган маълумотларни тўғрилиги ва тезкорлигига;

11.4. Уларга юборилган ҳужжатлар бўйича тезкор ва аниқ қарорлар қабул қилинишига;

11.5. Бошқармада ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя қилинишига.

